



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТУРКИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 июнь куни амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлиб турган Туркия миллий мудофаа вазири Яшар Гюлер бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашув аввалида Туркия мудофаа идораси раҳбари Ўзбекистон етакчисига Президент Режеп Таййип Эрдоғаннинг самимий саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Анкара шахрига 5-6 июнь кунлари амалга оширилган олий даражадаги ташриф чоғида эришилган келишувларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик муносабатларини янада чуқурлаштиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари, жумладан, яқин идоралараро алоқаларни мустаҳкамлаш, қўшма тадбирлар ташкил этиш, ҳарбий мутахассисларни тайёрлаш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Хавфсизлик соҳасида, терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши курашишда ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва мувофиқлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, шу жумладан, Афғонистондаги вазият юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини ривожлантириш, халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувида очиқлик ва ошкоралик тамойилларини мустаҳкамлаш, демократик ислохотларни амалга ошириш йўлида фаоллик кўрсатиб келаётгани, глобал ахборот майдонида миллий манфаатларини таъминлаш, жамиятнинг юртимиздаги янгиланиш жараёنларини ёритиш, эришилаётган ютуқларни кенг тарғиб этишдаги катта хизматлари, замонавий медиа тармоқлари учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Меҳнат шуҳрати” ордени билан

Тайпатов Абдижолло Гаппарович — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг худудий ахборот тахририяти бош муҳаррири
Темиров Собиржон Ғуламович — Бешариқ тумани “Бешариқ тонги” газетаси бош муҳаррири, Фаргона вилояти

“Дўстлик” ордени билан

Абдусаматова Мукаддас Салиховна — Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, публицист
Бекназарова Саодат Ўзбековна — “Овози тожик” газетаси катта муҳбири

Джуроева Дилфуза Джангировна — Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, публицист, Сурхондарё вилояти
Кляцкий Григорий Николаевич — “Ishonch-Doverie” газетаси бўлим муҳаррири
Левченко Сергей Владимирович — “Народное слово” газетаси бўлим муҳаррири

Нугманов Равшан Якубжанович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Тошкент радиозенитириш уйи овоз ёзиш хизмати режиссёри
Очилов Қудрат Менглиевич — “Бир сафда” журнали масъул котиби
Палуанова Мнаим Пирназаровна — “Nukus-Sayahat” масъулияти чекланган жамиятининг “Жаслар-ТВ” телеканали ва “Нукус-ФМ” радиоси директори, Қорақалпоғистон Республикаси

Содиқов Икром Мамадалиевич — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Наманган вилояти телерадиокомпанияси директори ўринбосари
Тоҳиров Халимжон Турғунвич — “Андижоннома” ва “Андижанская правда” газеталари тахририятининг “Andijonpoma.uz” интернет нашри муҳаррири
Хакимов Талип Адилевич — Нурафшон шаҳри “Машъал” газетаси бош муҳаррири, Тошкент вилояти

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Боймирзаева Саодат Ураковна — Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг матбуот котиби

▶ Давоми 2-бетда

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!
Авваламбор, ўз истеъдоди ва маҳорати, фидокорона меҳнати билан эл-юртимизга сидқидилдан хизмат қилиб келаётган сиз, миллий журналистикамиз жонкуярларини, соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган муҳтарам фахрийларимизни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга юксак ҳурматим ва эзгу тилаklarимни изҳор этаман.

Маълумки, ахборот соҳасини эркинлаштириш ва ривожлантириш Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида биз учун доимо устувор вазифа бўлиб келмоқда. Мамлакатимизнинг янгиланган Конституциясида оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият юритишини таъминлаш бўйича муҳим қонда ва тамойиллар мустаҳкамлаб қўйилгани, соҳага доир ҳуқуқий асослар такомиллаштириб борилаётгани бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Айниқса, кейинги йилларда юртимизда сўз эркинлиги ва фикрлар хилма-хиллигига эришиш йўлида кенг имкониятлар очилаётгани медиа воситалари вакиллари ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки, ўрни ва нуфузини янада кучайтирмоқда.

Бугунги кунда жамиятимизда очиқлик ва ошкораликни ривожлантириш, давлат идоралари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, фуқароларимизнинг қонуний муносабатларини ўрганиш ва ҳал қилиш борасида сизларнинг ўрнини ва таъсирини тобора ортиб бораётгани барчамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Шу ўринда газета ва журналларимиз, теле ва радио каналлар, ижтимоий тармоқларда турли мавзулардаги долзарб чиқишлар, муаммолар масалалар юзасидан мутахассис ва экспертлар иштирокидаги кўрсатув ва эшиттиришлар, таҳлилий шарҳлар, баҳс-мунозаралар сезиларли равишда кўпайганини таъкидлаш лозим.

Хусусан, қурилиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдаги камчиликлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги муаммолар бўйича бериб борилаётган танқидий ва таҳлилий материаллар жойларда мудраб ўтирган айрим раҳбар ва мутасаддиларни уйқудан уйғотиб, янгича ишлаб, одамларнинг ташвиши билан яшашга мажбур қилмоқда.

Мухтасар айтганда, қунончақ ва олижаноб журналистларимиз, фаол блогерларимиз ўзларининг қатъий позицияси, ҳаққоний сўзи билан ҳаётимиздаги ўткир муаммоларни ҳал этиш, ислохотларимизнинг самарасини ошириш, юртдошларимизнинг фикрини, дунёқарашини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси миллий медиа воситаларимиз “тўртинчи ҳокимият” даражасига яқинлашиб бораётганидан далолат беради. Шу билан бирга,

бундай юксак маррага етиш осон эмаслиги, бу йўлда тўсиқ ва қийинчиликлар бўлиши табиийдир.

Лекин, қанчалик қийин бўлмасин, бу борадаги ишларимизни қатъият билан давом эттирамиз.

Муҳтарам дўстлар!
Бугунги кунда матбуот иши, журналистлар фаолияти нафақат “тўртинчи ҳокимият”, балки мудофаа, хавфсизлик каби ҳал қилувчи соҳага айланиб бормоқда.

Бу эса мазкур йўналишда айнан сизлардек жасур ва довожар, Ватанни чин дилдан севадиган, ўз касбига содиқ ва фидойи инсонлар тобора кўпроқ бўлишини тақозо этмоқда.

Ана шу талабдан келиб чиққан ҳолда, кўп қиррали профессионал билим ва малакага, юксак маънавий-интеллектуал фазилатларга эга бўлган замонавий журналист кадрлар тайёрлаш бундан буён ҳам устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Шу билан бирга, ахборот майдонини сифатли ва рақобатдош миллий контент билан тўлдириш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бораётгани барчамиз учун аён ҳақиқатдир.

Шу боис, дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни миллий манфаатларимизни ҳисобга олган ҳолда, тезкор ва чуқур таҳлиллар асосида ёритиб бориш ўта муҳим, деб ўйлайман.

Шунингдек, бугунги кунда ёлгон ва асоссиз маълумотларни тарқатиш орқали одамларни алдаш, тўғри йўлдан чапгагириш ҳолатлари кўпайиб бораётгани аҳолининг медиа саводхонлигини оширишни олдимизга кечиктириб бўлмайдиган вазифа қилиб қўймоқда. Ахборот майдонида юзга келаётган баҳсли тортишув ва муаммолар фақат ва фақат қонун доирасида, ҳуқуқий меъёрлар негизида ҳал этилиши шарт.

Сиз, ҳурматли медиа тармоқлари вакиллари ана шундай масалаларни ҳал этишда фаол иштирок этасиз, деб ишонаман.

Албатта, соҳада хизмат қилаётган барча юртдошларимизнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш масалалари бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Ушбу қувончли айёмда сизларни қутлуғ касб байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сийҳат-саломатлик, шарафли фаолиятингизда янги ютуқ ва омадлар, хонадонларингизга тинчлик ва байзу барака тилайман.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги байрам муносабати билан юксак давлат мукофотлари билан тақдирланган оммавий ахборот воситалари ходимларини чин дилдан қутлайман.

Изланиш ва илҳом завқи, янги ижодий ютуқлар сизларга ҳамиша ёр бўлсин, азизлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тараддуд

ЗОМИН ЗАМИНИ УЗРА ТАРАЛАР МУМТОЗ НАВО

Бугун II Халқаро мақом санъати анжумани очилади

Ўзбек миллий мақом санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, ноёб намуналарини кенг тарғиб этиш, ёш авлод қалбига санъатга меҳр-муҳаббатни камол топтириш, халқлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, маданий-маънавий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда кенгайтириш, жаҳон ҳамжамиятида мақом санъати нуфузини янада ошириш, шунингдек, навбатдаги Халқаро мақом санъати анжуманига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш ва юксак савияда ўтказиш мақсадида Президентимизнинг 2019 йил 26 февралдаги “II Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказишга тайёргарлик кўриш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши имзоланган эди.

▶ Давоми 2-бетда

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИНГ ФАОЛ ҲИМОЯЧИСИ

ПОЙТАХТИМИЗДА 27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ
ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАНТАНАЛИ ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ

Тадбирга вазирлик ва идоралар, жамоат тузилмалари, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, фахрий журналистлар, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, ёш ижодкорлар таклиф этилди.

▶ Давоми 3-бетда



27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни



Биз мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини, ахборот олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқини таъминлаш масаласини инсон қадрини улуғлаш, демократик жамият ва халқпарвар давлат қуришга қаратилган тараққиёт стратегиямизнинг муҳим ва ажралмас қисми деб биламиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



муносиб кўрилди. Фурсатдан фойдаланиб, Дилфузахон ҳамда бошқа ҳамкасбларимизни меҳнати муносиб тақдирлангани ва юксак эътирофга сазовор бўлгани билан чин қалбимиздан самимий табриқлаймиз. Масъуляти ишларига ривож, соғлиқ-омонлик тилаймиз.

Биз дунё билан
бўйлаша оламиз

ТУРМА – ЮГУР, ТИНМА – ТИРИШ, БУКИЛМА – ЮКСАЛ...



Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Қаноти бор мақолалар ва газета ҳиди

Бугун юртимизда кенг нишонланаётган Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни нафақат ўз ҳаётини шу соҳага бағишлаган фидойи инсонлар, балки уларнинг машаққатли ижод ва меҳнат маҳсулидан баҳраманд бўладиган кўп сонли муштарийлар, бутун жамиятимиз учун ҳам қадрлидир.

Оммавий ахборот воситалари деганда, асосан, газета-журнал, телевидение, радио ва интернет сайтлари кўз олдимишга келади. Табиийки, ҳамкасбларимиз ҳам мавзу бўйича қалам тебратганда қайси йўналишда фаолият юритса, шу томонга чуқуროқ қиради, керак бўлса, ён босади. Масалан, ТВ журналистлари соҳанинг машаққати ҳақида сўз кетганда, студия ҳаётидан гапирди, радиочилар эфир заҳмати ва масъулиятдан гап очади. Аънадан чекинмай, биз ҳам бир оз ўзимизнинг газетачилик фаолиятимиз ҳақида қисқа мушоҳада этишни ният қилдик.

Газетанинг асоси — мақола. Мақола арабча “қола” (айтди) сўзининг ўзгичан асоси, нутқ, адабий иншо маъносини англатади. Демак, журналист, қаламкаш ўз сўзи билан бирор муҳим мавзу ёки муаммага эътиборни қаратиб, одамларга мурожаат қилади. Озгина ирода намоеъи этиб, меҳнат қилинса, бунга эришилади. Ўқувчи ҳам журналистан маъноли гап кутади.

Фақат босма нашр журналистлари тушунганидан, фаолияти давомидида кўп ишлатиладиган бир ибора бор: мақола “учиб” кетибди (кетди). Бу гап ишни тугатиб, уйга кетаётган пайтингиз саҳифада турган мақола ўрнида эрталаб босмаҳонадан келган газетада бошқа материал пайдо бўлиб қолган ҳолларда айтади. Агар оқшом мақолага тааллуқли муаллиф ёки қаҳрамонни суюнчилаб қўйган бўлсангиз, ана хижолатбозлик!

Анча йил аввал элимиз суйган санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (ҳозир халқ артисти) Эркин Комилов билан газета учун жиддий мавзуларни қамраб олган суҳбат тайёрладик. Мақола саҳифаланди, муаллиф сифатида ўқиб, керакли тузатишларни киритиб, кеч бўлганда таҳририятдан чиқдим. Метрога қираверишда ўрнатилган автомат телефондан Эркин аканинг уйига қўнғироқ қилдим. У ҳам энди келиб турган экан, гўшаки ўзи кўтарди.

— Жуда яхши иш бўлибди-да, — деди мақола чиқаётганидан хурсанд бўлиб. — Уйингиз манзилини айтсангиз, эрталаб олиб кетаман. Ишонангизга бирга борамиз, 2-3 та газета олиб қайтаман.

Соат 9 атрофида таҳририятга етиб бордик. Газетани олиб, мамнун ҳолда сўнгги саҳифани очиб, Эркин акага кўрсатаман деса, умуман бошқа мақола берилган. “Ие, мақола учиб кетибди-ку”, дедим беихтиёр. Газетачиликда бундай вазият бўлиб туришни тушунтиргунимча терлаб кетдим. Кейин суриштирсам, қайсидир спектаклнинг саҳналаштирилган йилли навбатчида шубҳа уйғотибди. Мен билан боғланай деса, эски шаҳардаги уйимда (у пайтлар интернет ва мобил алоқа ҳали ривожланмаган) телефон йўқ. Тинчгина мақолани олиб қўйишибди. Мақола навбатдаги сонда чоп этилди, газетани ўзим актерга етказдим. Дарвоқе, навбатчининг гумони ҳам тўғри экан, санадаги хатотлик тузатиб қўйилди.

Газетадаги мақоланинг масъулияти нақадар залварли эканини англаганимиз. Муаллиф, бўлим мудри, адабий котиб, бош муҳаррир ўринбосари ва бош муҳаррир, қолаверса, ўша сонга навбатчилик қиладиган журналист ҳар бир сўз, жумла, фикр, рақам, маълумотга ана шундай жиддий ёндашади. Ҳозир мутулаа қилиб турганингиздек бекаму кўст газета ана шундай шаклланади. Бу жараён катта тажриба, эътибор, кунт, заковат ва ҳушёрлик талаб қилади. Лекин нима бўлганда ҳам қалам аҳли учун янги чоп этилган газета қўлга олинганда ундан келадиган босмаҳона — матбаа бўёғининг ҳиди қадрли. Газетанинг ҳиди барча заҳматларни бир зумда аритиб юборади.

“Айтмасанг — ким билади, очмасанг — ким кўради”

Давлатимиз раҳбари ўз лавозимига киришган илк давлардан бошлаб то шу кунгача нутқларида журналистлар ҳақида кўп тўхталади. Вилоятлар бўйлаб сафарларда ҳам журналистлар билан мунтазам мулоқот қилади. Ўзбекистонда барча сиёсий ҳуқуқлар қаторида виждон ва эътиқод эркинлиги кафолатлари сўзсиз таъминлангани, сўз ва матбуот эркинлиги, фуқароларнинг ахборот олиш, ундан фойдаланиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқларини кафолатлаш ҳақида алоҳида айтиб келади.

Журналистларнинг асосий вазифаси аҳолига ахборот етказиш, маълумотларни очиқлашдан иборат. Қонунчиликка кўра,



мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари эркиндир. Ҳар ким, агар қонунда бошқача қонда назарда тутилмаган бўлса, оммавий ахборот воситаларида чиқиш, ўз фикри ва эътиқодини ошкора баён этиш ҳуқуқига эга. Давлат оммавий ахборот воситалари фаолияти ва ахборотдан фойдаланиш эркинлигини, мулк ҳуқуқини давлат органларининг ғайриқонуний қарорларидан, улар мансабдор шахсларининг ноқониз ҳаракатларидан (ҳаракатсизлигидан) ҳимоя қилинишини кафолатлайди.

Журналистлар фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашуш тақиқланади. ОАВ қонунчиликка мувофиқ ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, тарқатиш, фойдаланиш, сақлаш ҳуқуқига эга ҳамда тарқатилаётган ахборотнинг ҳолислиги ва ишончилиги учун белгиланган тартибда жавобгар.

Дунё матбуотида “Ахборот — демократиянинг асосий валютаси. Сўз эркинлигисиз демократия ҳам, инсон эркинлиги ҳам бўлмайди”, деган қараш мавжуд. Ушбу тамойил ўзининг бўй-бастини матбуотимиз сарҳадларида ҳам намойён этаётгани қувонарли ҳол, албатта.

— Жамиятимизда ҳақиқатни айтидаиганлар шу эл, юртининг душмани эмас, дўсти экани ҳақиқиди, фикр қарор топиши керак. Керак бўлса, фақат эъли қатлам эмас, ҳар бир дехқон-фермеримиз, ҳайдовчимиз сиёсат нималигини, референдум нималигини билсин. Партиялар фаолияти ҳақида бахслашсин, — дейди Республикада хизмат кўрсатган журналист Жаббор Раззоков. — Абдураф Фитратнинг бир гапи бор: “Бу дунё кураш

майдонидир. Бу майдоннинг қуроли: соғлом жисму тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқдир!”. Ушбу жиҳатлар журналистлар фаолиятига ҳам тааллуқли. Зеро, ахборот майдонида жаллон уриш курашлардан иборат. Бунда соғлом, ўткир заковат ва ахлоқ муҳим саналади.

Эркин фикр минбари

Кейинги йилларда юртимизда рўй бераётган тарихий ўзгаришлар натижасида оммавий ахборот воситаларини эркин фикр минбарига, халқимиз манфаатларининг фаол ҳимоячисига айлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин, ижтимоий муҳит яратилди.

Ҳозир юртимизда 2140 та ёки 2016 йилдагидан 626 та кўп оммавий ахборот воситаси фаолият юритмоқда. Уларнинг 65 фоизи нодавлат медиа воситалари экани соҳада таркибий ўзгаришлар кечаётганидан далолат беради. Аънавийлар билан бирга интернет нашрлар ҳам жадал ривожланиб, уларнинг сони 745 тага етди ва ўқувчилар оммасини тобора кўпроқ ўзига жалб этаётгани ҳам бор гап.

Давлатимиз раҳбари ўтган йилги соҳа ходимларига касб байрами муносабати билан йўллаган табригида бундай деган эди: “Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари халқроқ ахборот маконига ҳам даража қилиб бормоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиоканалисига ҳамда бир қатор хусусий телестудияларнинг кўрсатувлари жаҳоннинг 100 дан ортқ давлатларида узатишмоқда. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги,

“Дунё” ахборот агентлиги ўз хабарларини 10 та хорижий тилда тарқатмоқда”.

Дарвоқе, давлатимиз раҳбари ҳар йили Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа вакиллари билан гуруҳини мукофотлаши яхши аънамага айланган. Кеча ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу ҳақдаги фармони эълон қилинди.

Унга кўра, мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини ривожлантириш, халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувида очиқлик ва ошқоралик тамойилларини мустаҳкамлаш, демократик ислохотларни амалга ошириш йўлида фаоллик кўрсатиб келётгани, глобал ахборот майдонида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, юртимиздаги янгилаш жараёнларини ёритиш, эришилётган ютуқларни кенг тарғиб этишдаги катта хизматлари, замонавий медиа тармоқлари учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун бир гуруҳ ҳамкасбларимиз, устозларимиз ордан ва медаллар билан мукофотланди.

Қувонарлиси, тақдирланганлар орасида ҳамкасбимиз — “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририятининг Навий вилоти бўйича махсус мухбири Дилфуза Гулямова ҳам бор. У “Шуҳрат” медалига

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИНГ ФАОЛ ҲИМОЯЧИСИ

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табригини Президент



ҳодимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармони касб байрамига ўзгача шуқуҳ бағишлади. Унга кўра, бир гуруҳ оммавий ахборот воситалари ходимлари Ватанимизнинг юксак унвонлари, ордан ва медаллари билан тақдирланди. Уларга мазкур мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева тантанали тарзда топширди.

Тадбирда қайд этилганидек, кейинги йилларда юртимизда рўй бераётган тарихий ўзгаришлар натижасида оммавий ахборот воситаларини эркин фикр минбарига, халқимиз манфаатларининг фаол ҳимоячисига айлантириш учун мустаҳкам ҳуқуқий замин, ижтимоий муҳит яратилди. Миллий матбуотимиз ва оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш, журналистларнинг самарали ижод қилиши, сўз эркинлигини амалда таъминлаш бўйича тизимли ишлар олиб борилди.

Бу борада яратилган миллий қонунчилик базаси доимий такомиллаштирилиб, журналистларнинг эркин ва ҳеч қандай монеъликларсиз маълумот олиши, ҳоли ва

ҳаққоний, тезкор ахборот тарқатиши учун зарур барча шароит ва имкониятлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Президентимизнинг табригида таъкидланганидек, “...Бугунги кунда ёлгон ва асоссиз маълумотларни тарқатиш орқали одамларни алдаш, тўғри йўлдан чалғитиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани аҳолининг медиа саводхонлигини оширишни олдимизга кечиктириб бўлмайдиган вазифа қилиб қўймоқда. Ахборот майдонида юзага келадиган бахсли тортишув ва муаммолар фақат ва фақат қонун доирасида, ҳуқуқий меъёрлар негизида ҳал этилиши шарт”.

Шу маънода, мамлакатимизда медиа тузилмалар учун юқори билим ва салоҳиятга эга кадрларни тайёрлаш, уларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Журналистларнинг хорижий ҳамкасблари билан ўзаро тажриба алмашиши, жаҳон медиа тузилмаларининг илгор фаолият амалиётини ўз ишига жорий этиш борасида кўплаб саяёҳ-ҳаракатлар амалиётда бўй кўрсата бошлади.



— Ҳозир жаҳон ареналарида ўз сўзини айтиш салоҳиятига эга, хорижий тилларни пухта билладиган ва ижод қила оладиган, замонавий талаблар асосида фаолият юритадиган журналистларга эҳтиёж катта, — дейди Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг жамоатчилик билан алоқалар кафедраси профессори, II даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳиби Файзулло Мўминов. — Жамиятда, қолаверса, дунё саҳнасида кечаётган воқеа ва ҳодисаларга энг биринчи баҳони журналист беради, демак, етук

кадрлар масаласи ҳам долзарб. Биз энди журналистларни ана шу ракурсда туриб тайёрлашга аҳамият қаратишимиз лозим. Жаҳонда рўй бераётган воқеа ва ҳодисалар биздан янада огоҳ ва масъулиятли, рўй бераётган жараёнларга нисбатан ҳолис бўлмоғимиз лозимлигига ишора қилапти.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.

Н. ҚОБИЛЖОНОВ



Огоҳлик

ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИ

Давлат хавфсизлик хизмати ташаббуси билан ноқонуний муомаладан мусодара қилинган 2 тонна 158 килограмм гиёхвандлик воситалари ёқиб юбориш йўли билан йўқ қилинди.



ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

Зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Бугунги кунда гиёхвандлик моддалари билан боғлиқ таҳдидга қарши курашда мавжуд барча ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий имкониятлардан фойдаланилмоқда. Миллий қонунчилигимизда гиёхвандликка оид жиноятларнинг олдини олиш ва унга чек қўйиш, бу борада ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлиги, гиёхвандликка чалинган шахсларни даволаш ва бошқа муҳим масалаларнинг ҳуқуқий асослари яратилган.

Ўзбекистон 1995 йил февралда БМТнинг гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши кураш тўғрисидаги 1961, 1971 ва 1988 йиллардаги конвенцияларига қўшилди. 1999 йил 19 августда “Гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Айни йўналишдаги ислохотлар доирасида аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларга қарши иммунитетини шакллантириш, шунингдек, инсон саломатлигини таъминлашга қаратилган ишлар алоҳида эътиборга молик.

Шунга қарамай, бу турдаги жиноятлар сони ўсишдан тўхтамаяпти. Сўнгги беш йилда аниқланган наркотикиноятлар икки баробар, ноқонуний муомаладан олинган гиёхвандлик воситалари тўққиз баробар, қучли таъсир қилувчи дорилар эса 46 фоиз ошган.

Шу билан бирга, кейинги йилларда янги турдаги синтетик гиёхвандлик воситалари ва қучли таъсир қилувчи моддалар пайдо бўлаётгани, улар инсон омилисида интернет ижтимоий тармоқларидан фойдаланган



Юртимизга афгон наркотиклари, асосан, Тожикистон ва Қирғизистон орқали жанубий шарқдан Самарқанд ва Сирдарё вилоятларига, шимолӣ шарқдан Фарғона водийси вилоятларига ва Тошкент вилоятига ҳамда тўғридан тўғри Афғонистондан Амударё дарёси орқали Сурхондарё вилоятига олиб кирилиши кузатилмоқда.

2023 йилда мамлакатимизда гиёхвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний муомаласини билан боғлиқ жиноятлар содир этгани учун 94 ҳолат бўйича хорижий давлатларнинг юзга яқин фуқароси ушланган.

Мамлакатимизда гиёхвандликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида

ҳолда аҳоли, айниқса, ёшлар орасида осон тарқатилаётгани масъул давлат тузилмаларининг бу борадаги фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш зарурлигини таъкидлаётган.

Президентимизнинг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги фармонининг устувор мақсадларига эришиш, шунингдек, юртимизда гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддалар ноқонуний айланмасининг барвақт олдини олиш, аҳолида уларни истеъмол қилишга нисбатан иммунитет шакллантириш орқали генофондимизга салбий таъсир кўрсатуви омилиларни бартараф этиш галдаги вазифалар сирасидандир.

Ана шу мақсадда жорий йил 6 май кунги давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида гиёхвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйиш орқали уларнинг аҳоли саломатлиги ва мамлакатимиз генофондига салбий таъсирини бартараф этиш стратегик чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди.

Фармон билан Ўзбекистон Республикасида гиёхвандлик ва наркотикиноятларга қарши курашиш бўйича 2024-2028 йилларга мўлжалланган миллий стратегия тасдиқланди. Унда белгиланган вазифалар ижросини ҳаётга кенг татбиқ этиш бўйича амалий ишлар қилинмоқда.

Шунингдек, 2024 йил 4 июнь кунги БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон ташаббуси билан ишлаб чиқилган Марказий Осиё давлатларининг гиёхвандлик билан боғлиқ муаммоларини самарали ҳал этиш ва бартараф этиш учун ягона фронт бўлиб ҳаракат ва ҳамкорлик қилишга таъйирлиги тўғрисидаги резолюцияни қабул қилди.

Наркотикларни назорат қилиш миллий маркази ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси ва БМТ Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ўртасидаги 2022-2025 йилларга мўлжалланган кўп қиррали ҳамкорлиқни янада ривожлантириш бўйича “йўл харитаси” доирасидаги тадбирлар муваффақиятли олиб боришмоқда.

Хусусан, наркотикларга қарши курашиш соҳасидаги мажбуриятларни самарали амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон томони 2023 йилнинг 18-22 март кунлари Вена шаҳрида БМТ Гиёхвандлик воситалари бўйича комиссиясининг 67-сессиясида иштирок этди. Ўтган йили эса Париж пакти ташаббуси ишчи гуруҳлари йиғилишларида фаол иштирок этди. Бундан ташқари, 2023 йил 1-2 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида мазкур ташаббус доирасида гиёхвандлик қўламини қисқартириш бўйича экспертлар ишчи гуруҳи конференцияси ташкил этилди.

БМТ Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси ва Европа Иттифоқининг халқаро лойиҳалари, дастурлари доирасида божхона ва чегара постларида наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш бўйича идоралараро механизми тақомиллаштиришга қаратилган тадбирлар ўтказилди.

Мамлакатимизда ва хорижда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари малакасини оширишга қаратилган амалий семинар-тренинглار ташкил этилди. Халқаро ҳамкорлик доирасида мутасадди вазирлик ва ташкилотларнинг 530 ходими гиёхвандликнинг тарқалиши, наркотрафик ва наркотик моддаларга қарши кураш йўналишида ўтказилган тадбирларда иштирок этди.

Синтетик гиёхвандлик моддалари ва қучли психотроп моддаларнинг янги турлари, уларни сотишнинг ноанъанавий йўллари кенгайиб бораётган мураккаб бир шароитда ёшларни захри қотиқдан асраш бир ташкилот ёки комиссиянинг эмас, балки умумжамиyat ва жамоатчилик иши ҳамдир. Унга фақат ҳам-жиҳатлик билангина эришиш мумкин.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Долзарб мавзу

Бугун тежамкорлик ҳақида кўп гапирилаётган бўлса-да, амалда кўпчилик бунга унчалик ҳам эътибор қаратаётгани йўқ. Айримлар бунини соҳа мутахассисларининг вазифаси деса, бошқаси шунчаки бепарво. Айниқса, электр энергиясини гўёки тугамас манба билиб бемалоот, истаганча фойдаланиш мумкин, деб ўйлаймиз.



ФАҚАТ СОҲА ВАКИЛЛАРИНИНГ ВАЗИФАСИ ЭМАС

Зарар ачқикми?

Электр токи танқислиги Ўзбекистон учун бегона муаммо эмас. Бу танқислик қишлоқларда янада қучлироқ сезилади. Одамларда бундай пайтларда “яшаб қилиш” инстинкти ишга тушади.

Хусусан, тоғли ҳудудларда яшовчилар турли мосламалар ясаб, сув қучидан электр ишлаб чиқаришни ўзлаштириб олишди. Ҳар бири камда беш-олтита хонадонни таъминлайдиган кичик электр станциялар ясаб бевурич усталарнинг ҳам ошиги олчи бўлганди. Асосийси бу эмас, энг муҳими шундаки, яхшигина маблағ сарфлаб кичик ГЭСни ишга туширган аҳоли уни тартиб билан ишлатишда жуда қўйилмаган йўл танлаганди. Электр энергияси ишлатилишини назорат қилиб бориш учун ҳар кун икки кишидан иборат кузатувчи қўйиларди. Улар ҳар бир хонадонга кириб, фақатгина кам электр тортувчи чироқлардан фойдаланишни, бунда ҳам чекланган, яъни учтадан ортиқ мумкин эмаслигини уқтиришарди. Шу билан бирга, қўшимча биргина телевизордан ташқари бирорта жиҳозни тоққа уламаслик керак эди. Бу ҳолат ҳар кун давом этар, назоратчилик қилиш вазифаси ҳам тўхтаб қолмасди. Бонси, кимдир иситиш печи ёки бошқа бирор ускуна қўшадиган бўлса, катта маблағ эвазига ишга туширилган қурилма ишдан чиқиши аниқ эди. Бунга сабабчи бўлган киши зарарини тўлиқ қоплаши шарт эди.

— Бундай ишлар кеч қузда, дарёларда сув қўпайиши билан бошланарди, — дейди Чироқчи туманининг тоғли қишлоқларида биринчи яшовчи Комил Қўёмов. — Сув қучи билан электр токи ишлаб чиқарувчи қурилма учун йигирма миллионга яқин пул сарфланарди. Зарар ачқик деганларидек, сарфлаган пулимизни биргина бепарволик оқибатида ҳавога учуриб юборишдан қўрқардик.

Кейинги йилларда электр энергияси танқислигини бартараф этишга қаратилган

жуда катта ишлар қилинди ва қилинмоқда. Аммо бу муаммони енгишнинг асосий шартларидан бири — тежамкорлик маданияти нега тез шаклланмаяпти?

Маълумотларга кўра, 2023 йил давомида “Худудий электр тармоқлари” АЖ Қашқадарё ҳудудий филиали мутахассислари томонидан ўтказилган назорат тадбирлари давомида 5434 истеъмолчи электр энергиясидан ноқонуний фойдалангани аниқланган. Электр таъминоти корхоналарига 60 миллиард сўмдан ортиқ зарар келтирилган. 2024 йилнинг ўтган беш ойи давомида эса 2008 киши ўзбошимчилик билан фойдаланиши натижаида 22 миллиард сўмдан зиёд зарар қўрган. Натижада ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан қандайдир истеъмолчиларга нисбатан тегишли чоралар қўлланилган ва жараён давом этмоқда.

Тизимли ишлар

Ўтган йили Қашқадарё вилоятида 1077 километр янги электр тармоқлари тортилди, 407 та трансформатор ўрнатилди, 2974 километр тармоқ ва 1046 та трансформатор таъмирланиб, 12 та подстанциянинг қуввати оширилди.

Шунингдек, маҳаллалардаги инфратузилма объектиларини яхшилаш учун ажратилган маблағни иқтисод қилиш эвазига қўшимча 98 объектда 72 та трансформатор ўрнатилди ва 161 километр электр тармоғи тортилди.

Таъминот яхшиланишига муқобил энергия манбаларига ўтилаётгани ҳам таъсир кўрсатаётир. Масалан, Китоб туманидаги “Қарши қонч цемент” хорижий корхонаси ўзи фойдаланаётган кўмидан 6 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Бу корхона истеъмол қилаётган электр энергиясининг 50 фоизини ташкил қилади. Бунинг ҳисобига ўтган йили 17,4 миллион киловатт/соат электр энергияси иқтисод қилинди.



Қуёш панеллари ёрдамга келади

Воҳада қуёш нуридан электр олиш бўйича ҳам қилинаётган ишлар кўзга ташлана бошлади. Мисол учун, ўтган йили Нишон туманида Хитойнинг “China Gezhouba Group Overseas Investments” компанияси томонидан қуввати 500 мегаватт бўлган қуёш фотозлектр станциясининг 300 мегаватт қуввати ишга туширилган бўлса, қолгани жорий йил 1 сентябрга қадар фойдаланишга топширилади.

Соҳа мутахассислари томонидан 2024 йилда 7,8 миллиард киловатт/соат электр энергияси истеъмол қилиш ва унинг камида 10 фоизини иқтисод қилиш прогнози берилмоқда.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Янгича ёндашувлар

Азалдан воҳада чорвачилик аҳолининг доимий машғулотларидан бири бўлган. Хонадонларда чорва боқилиб, тирикчилик қилинган. Халқнинг кундалик истеъмол маҳсулотлари учун сут, гўшт, жун ва тери маҳсулотлари чорвадан олинган.

Чорвачиликни ривожлантириш, хусусан, чорва моллари бош сонини кўпайтириш, наслини яхшилаш ҳисобига маҳсулдорликни ошириш, халқимиз дастурхонига сифатли ҳамда арзон гўшт ва сут маҳсулотларини узлуксиз етказиш каби муҳим вазифалар алоҳида эътиборда.

Авваллари чорвачиликда узоқ йиллик аъналардан бузилмаган ҳолда эски услубларда иш олиб борилиши, эътибор қаратилмагани оқибатида соҳада самарадорлик ҳам ҳаминқадар бўлиб қолганди.

Кейинги йилларда аҳолининг гўшт, сут ва тухум маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўлақолини қондириш мақсадида чорва моллари туёқ сонини ошириш, ҳудудлар иқлим шароитига мос келадиган зотли чорва

ОИЛА БАРАКАСИ МЕҲНАТНИ ИЛМ БИЛАН ҚИЛИШДА

молларни хориждан бўлса-да олиб келиш ва мослаштириш, халқимизнинг озиқ-овқат, хусусан, гўшт, сут ва тухум маҳсулотларига эҳтиёжини тўла қондириш борасида тизимли ишлар қилинмоқда. Айни жараёнлар ифодасини Сурхон воҳасида ҳам кўриш мумкин.

Жумладан, Қизирқ туманидаги Такия маҳалласида “Сурхон гоад фарм” МЧЖ томонидан эчкичилик фермаси ва сутни қайта ишлаш комплекси лойиҳаси ишга туширилди.

Умумий қиймати 6 миллион доллар бўлган лойиҳа доирасида Испаниядан сут йўналишида боқиладиган зотдор эчкилар олиб келинмоқда. Эчкиларнинг яна бир афзаллиги тез қўпаяди ҳамда маҳаллий иқлим шароитига мослашувчан.

— Болалар озуқаси ишлаб чиқаришда эчки сутидан фойдаланилади. Эчки сутидан қуруқ сут тайёрлашни мақсад қилганимиз. Шу асосда 12 минг бош эчки олиб келишим режалаштирганимиз, — дейди “Сурхон гоад фарм” МЧЖ раҳбари Мухторжон Имомалиев. — Бу эчкилар озуқа танламайди.



Сутни ёққа бой. Бошқа турдаги эчкиларнинг 7 литр сутидан 1 килограмм ёғ олинаётган бўлса, бу эчкилар 4 литрдан 1 килограмм ёғ беради. Яна бир гап. Бизнинг эчкилар битта

қорамолнинг 6/1 озуқасини ейди. Бир кунда беш литр сут беради.

Тадбиркорнинг айтишича, “мурсиана градина” зотли эчкилари икки йилда уч марта

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

